



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
200 898 475

Nomi
O`ZSUVLOYIHA

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, LABZAK
KO'CHASI, 1A-UY

O'zgartirishdan keyin

Soliq to'lovchisining identifikatsiya raqami (STIR)
200 898 475

Nomi
O`ZSUVLOYIHA

Tashkiliy-huquqiy shakli
Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi (manzili)
Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, LABZAK
KO'CHASI, 1A-UY



05.12.2023

2327813

Guvohnoma olingan sana

Ariza raqami

1552401



**«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'ZSUVLOYINA» АЖ
акциядорларининг
2023-йил 10-ноябрдаги умумий
йиғилиши қарори билан
(2023-йил 20-ноябрдаги
рақамсиз баённома)**

«O'ZSUVLOYINA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ
(янги тахрир)

Тошкент ш. 2023-йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу «O'ZSUVLOYIHA» Акциядорлик жамияти Устави (бундан буён - Устав) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Корпоратив бошқарув Кодекси тавсиялари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015-йил 31-декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган), ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. «O'ZSUVLOYIHA» aksiyadorlik jamiyati (*кейинги ўринларда - Жамият*) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш Агентлиги) Тошкент шаҳар бошқармасининг 2004-йил 12-июлдаги 282 пп-р-сонли фармойишига асосан «ЎЗДАВСУВЛОЙИХА» институтини давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан ташкил этилган.

Жамият Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2004-йил 7-октябрда очиқ акциядорлик жамияти шаклида R-09-1935-сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жамият «ЎЗДАВСУВЛОЙИХА» институтининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (*кейинги ўринларда - Қонун*) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Корпоратив бошқарув Кодекси ва давлат иштироғидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига ва ушбу Уставга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

лотин алифбосида – «O'ZSUVLOYIHA» aksiyadorlik jamiyati;

кирилл алифбосида – «O'ZSUVLOYIHA» акциядорлик жамияти.

Рус тилида: Акционерное общество «O'ZSUVLOYIHA».

Инглиз тилида: «UZSUVLOYIHA» joint-stock company.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида:

лотин алифбосида – «O'ZSUVLOYIHA» AJ;

кирилл алифбосида – «O'ZSUVLOYIHA» АЖ.

Рус тилида: - АО «O'ZSUVLOYIHA»;

Инглиз тилида: «UZSUVLOYIHA» JSC.

1.5. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.6. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок муҳрга эга бўлади. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.8. Жамиятнинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра

белгиланади.

Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 1а уй. Индекс: 100128.

Жамиятнинг электрон почта манзили: uzsuvloyiha@mail.ru, info@uzsuvloyiha.uz, uzsuvloyiha@exat.uz

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzsuvloyiha.uz

Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.9. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.11. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

1.12. Филиал Жамиятнинг Жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Ваколатхона Жамиятнинг Жамият жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.13. Жамият қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба хўжалик жамияти Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Жамият шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлса Жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

Шўъба хўжалик жамияти ўз мулкида ўз асосий Жамиятининг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

Агар Жамият хўжалик жамиятининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг)

йигирма фоизидан ортиғига эга бўлса, хўжалик жамияти тобе деб эътироф этилади.

Тобе хўжалик жамияти ўз мулкида Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

1.14. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамият, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади акциядорларнинг манфаатлари йўлида фойда (даромад) олишдир.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолиятининг қуйидаги турларини амалга оширади:

- келажакда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги ва ерларнинг мелиорациясини ривожлантириш, агросаноат манзилни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган экологик ва иқтисодий далилларга асосланиб кўзланган чора-тадбирлар масалалари ва унинг инфраструктуралари ҳамда сув ресурсларини сақлаш ва улардан комплекс фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда кичик дарё бўйларига ерларни ва сув ресурсларини сақлаш ва улардан комплекс фойдаланиш;
- чорвачилик оқавалари ва бошқа оқава сувларини фойдали ишга сарфлаш, қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш, магистраль ва гурухли сув ўтказгичларидан хўжалик ва ичимлик сувларини ажратиш жараёнида технологик изланишларни бажариш;
- жамиятни моддий техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаб бориш йўлида ўзаро ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш.
- сув хўжалиги объектлари қурилиши учун техник жаҳатдан қайта таъмирлаш, қайта қуриш, янги қурилиш ва таъмирлашга лойиҳа ва лойиҳа-смета ҳужжатларини (ТИА, ТИХ, ҳамма босқичлари бўйича лойиҳалар, схема бўйича намунавий лойиҳалар, меъёрий ҳужжатлар, смета ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини) ишлаб чиқиш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув хўжалиги объектлари қурилиши бўйича, суғориш тармоқлари, каналлар, зовурлар, тажриба ишлаб-чиқариш тизимлари, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш;
- гидроузел, сув иншоотлари, сув омборлари, насос станциялари, кичик гидро ва электростанциялар, кўприklar, автомобиль йўллари, алоқа йўллари ва бошқа иншоотлар, сув хўжалиги объектлари ва ерларнинг мелиорациясига алоқадор ишларга лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш;
- саноат ва уй-жой қурилиши объектларига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш;
- қишлоқда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини ҳамда муҳандислик таъминоти ишларини ва тармоқлари қурилишига лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш;
- ўз маъсулияти остида белгиланган тартибда чет давлатлари, фирмалари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиб лойиҳа қидирув ишларини бажариш;
- ташкилотларнинг буюртмалари ва лойиҳалаштирилаётган объектлари бўйича муҳандислик-қидирув ва илмий текшириш ишларини бажариш;
- лойиҳа ва лойиҳа олди ҳужжатларида техник ечим далиллари билан таъминловчи илмий-текшириш ишларини бажариш ҳамда ерларнинг мелиорациясини, сув хўжалиги қурилишини ва илмий-техника янгиликларини ишлаб чиқаришни жорий этишда чет эл давлатлари ва Республикаимизнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва тақсимлаш;
- сув хўжалиги қурилиш, ерларни мелиорациялаш учун автоматлаштирилган лойиҳалар тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш ҳамда ҳисоблаш техникаси маблағлари ва иқтисодий математик усулларни қўллаш асосида автоматлаштирилган бошқариш тизими сув хўжалиги мажмуини яратиш;
- қурилиш объектлари бўйича муаллифлик назоратини амалга ошириш;

-йирик ва мураккаб объектлар бўйича ишлаб чиқариш ишлари лойиҳасини тайёрлаш;

- мухандислик коммуникация ва иншоотларни, биноларни капитал таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- фаолият кўрсатаётган ва қурилаётган объектларда мониторинг ва кузатув ишларини олиб бориш;

- илм-фан, тижорат, техника, экология соҳаларида топилган янгиликларга авторлик асосда янгиликлардан фойдаланишга берилган лицензиялар юзасидан ахборотлар йиғиб бориш;

- маркетинг, тижорат воситачилик ҳамда фуқаро ва ташкилотларга пуллик хизмат кўрсатиш;

- кўрсатилган хизматлар учун нарх ва тарифлар лойиҳасини, уларни амалга ошириш учун сарфланган маблағлар иқтисодий жихатдан асосланган харажатлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ва жамиятнинг самарали ишлашини таъминлаш.

2.3. Жамият қўшимча фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланишга ҳақлидир.

2.4. Махсус руҳсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда, лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

2.5. Жамият ташқи иқтисодий фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.6. Жамият фаолияти ошириш учун Республикамиздан ва хориждан мутахассислар ёллаш шартларини, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш услуби, миқдори ва турини мустақил белгилайди.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди **1 829 667 906** (бир миллиард саккиз юз йигирма тўққиз миллион олти юз олтмиш етти минг тўққиз юз олти) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати **1 661** (бир минг олти юз олтмиш бир) сўм бўлган **1 101 546** (бир миллион бир юз бир минг беш юз қирқ олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

3.3. Жамиятнинг устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

Жамият устав фондининг энг кам миқдори Жамиятнинг юритилаётган фаолият турларига лицензия талабларида белгиланиши мумкин.

а) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

3.4. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.5. Қўшимча акциялар эълон қилинган Жамият Уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.6. Жамият номинал қиймати **1 661** (бир минг олти юз олтмиш бир) сўм бўлган жами **20 000 000** (йигирма миллион) дона қўшимча эълон қилинган эгасининг номи ёзилган оддий акциялар чиқаришга ҳақли.

3.7. Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан

кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамият устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамият устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган муайян турдаги эълон қилинган қўшимча акцияларнинг сони жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

3.8. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш

3.9. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамият устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

3.10. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.11. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамият устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб ва улар турига кўра оддий акциялар деб ҳисобланади. Бир дона акциянинг номинал қиймати **1 661** (бир минг олти юз олтмиш бир) сўм.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Жамият акциядори деб эътироф этилади.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган

барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

4.3. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

4.4. Жамият қонунчиликда назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.2. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.3. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкий ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.4. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида чиқариш) нархи Жамият Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга

оширилади.

Акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг олтмиш фоизидан кам қисми уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда хусусий жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, жойлаштириш ҳажмидан қатъи назар, амалга ошган деб эътироф этилади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорлари ҳуқуқлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олинган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларга бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлари, овоз беришда уларнинг ягона позициясини шакллантириш учун акциядорлик келишувларини тузиш ҳуқуқларига эга.

Акциядорлар қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Ҳар бир оддий акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Акциядорнинг Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.6. Акциядор (акциядорлар) даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида Жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқиладиган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

6.7. Жамият акциядорлари куйидаги мажбуриятларга эга:

Жамиятнинг акцияларига қонунчилик ҳужжатларида, ушбу Уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгаллик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгаллик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши ҳамда Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиш;

Акциядорлар қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.9. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Жамиятга Жамият Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат сайланади

Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашинишга ҳақли эмас.

Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар ва тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш

акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисида қарори тегишли давр тугагандан кейин 3 (уч) ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.3. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.4. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.5. Дивидендлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Акциядор Жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан тўланмаган тақдирда, Жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

7.6. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.7. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.8. Жамият:

устав фондининг ҳаммаси у таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар; агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендлар тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.9. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Корпоратив ахборотлар ягона порталида ва Жамиятнинг

расмий веб-сайтида конунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

7.10. Жамият тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорида Захира фонди тузилади. Жамиятнинг Захира фонди ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Жамиятда бошқа фондлар ташкил этилиши мумкин.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

9.1. **Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув Кенгаши;

Яккабошчилик Ижроия органи - Бош директор.

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. **Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.**

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгаши Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низомда белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

10.2. **Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият Акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ҳар йили июнь ойида учинчи сешанба кунида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият Ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва Қонунга мувофиқ бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

Жамиятнинг жойлаштирилган ўз акцияларини олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

Жамият фаолиятининг мақсадлари ва асосий йўналишлари, тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли ва узоқ муддатли давр учун аниқ муддатларини белгилаган ҳолда, Жамиятни ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

мунтазам равишда мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида», «Кузатув кенгаши тўғрисида», «Ижроия органи Бош директор тўғрисида» Низомларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг «Ички назорати тўғрисида», «Дивиденд сиёсати тўғрисида», «Манфаатлар тўқнашуви бўйича амалга ошириладиган тадбирлар тартиби тўғрисида»ги Низомларини тасдиқлаш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирувчи масалалар бўйича бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларининг шакли ва мазмунига бўлган талабларни белгилаш;

Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатишнинг энг кўп миқдорини белгилаш ва Кузатув кенгашига хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (*масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қозғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси*) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик кўмитасини таъминлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик кўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

корпоратив Кодекс тавсияларига амал қилиш мажбурияти тўғрисида қарор қабул қилиш ва ва хабарнома шаклини тасдиқлаш, Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганда, АЖ "**comply or explain**" (*риоя қил ёки тушуниш*) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этишга;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонунчиликка, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши мумкин.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият ижроия органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонунчилик ҳужжатларида ва ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорининг талабига кўра акциядорга у Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

10.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга.

Қонунда белгиланган таққ кучга киргунига қадар ўз асосий Жамиятининг овоз берувчи акцияларини олган шўъба хўжалик жамияти асосий Жамият Акциядорларининг Умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

Қонунда белгиланган таққ кучга киргунига қадар Жамиятнинг овоз берувчи акцияларини олган тобе хўжалик жамияти Жамият Акциядорларининг Умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

10.8. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади, Қонунда ва ушбу Уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

10.9. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини шитиш;

Қонунда кўзда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

Қонунда кўзда тутилган ҳолларда Жамият томонидан аффилланган шахс билан битимларни маъқуллаш.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда аффилланган шахс билан тузилаётган, қиймати Жамият соф активлари қийматининг 10 (ўн) ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Жамият устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларида акциядорлар эътиборига етказилади.

10.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати, иштирок этиш ва овоз бериш тартиби Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 21 (йигирма бир) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олиши мумкин бўлмаган акциядорлар учун Жамият куйидаги имконият тақдим этади ва шароит яратиб беради:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларни рўйхатдан ўтиш, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон овоз бериш орқали қарорлар қабул қилиш имконият берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалан ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилишида масофадан иштирок этиш учун;

шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилишни видеоконференцалоқа режимида

ўтказиш йўли билан.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият аудиторлик ташкилотининг хулосаси, шунингдек Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси ҳамда Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан маълумот киради.

10.15. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай, Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, фойда тақсимоти, Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар бўйича таклиф киритишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

10.16. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек талаб тақдим этилган санада Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг(акциядорларнинг) ёзма талаби билан ўтказилади.

10.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор Акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

10.18. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи

битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг Умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

Акциядорларнинг вакиллари акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибдаги масалалари бўйича акциядорларнинг ўзлари билан келишган ҳолда овоз беришади.

10.20. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имкони берилади.

Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

10.21. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган, шу жумладан масофадан туриб иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

10.22. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш натижалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда Корпоратив ахборот ягона порталида ва Жамият корпоратив веб-сайтида жойлаштирилади.

Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомга мувофиқ иш юритади.

11.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаш тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

11.3. Кузатув кенгаш Жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига куйидагилар киради:

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишини ташкил қилади ва Акциядорларнинг умумий йиғилишга тасдиқлаш учун киритади;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ҳамда умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Жамият Ижроия органи раҳбари лавозимига номзодлар танловни ташкил этиш;

Жамият яккабошчилик Ижроия органини – Бош директорини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамият Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш; жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш

тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг устав устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини Қонунда ўрнатилган тартибда белгилаш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш;

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ва қонунчиликда ўрнатилган миқдор доирасида хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) шартлари ва тартибини белгилаш шунингдек ушбу тўғрисида қарорлар қабул қилиш, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда беради;

Кузатув кенгашининг тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлар)ни тузиш;

«Жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш.

Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирувчи масалалар бўйича Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Жамият Кузатув кенгаши Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатини агар у Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатишга, ва шу тариха **Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан Жамият ижроия органи раҳбарини сайлаш ҳуқуқига эга.**

11.6. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчилик ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият Бош директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.7. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини имзолайди.

Акциядорлар умумий йиғилиши Раиси Акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва Интернет тармоғидаги трансляцияси бўйича қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.9. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Бош директорнинг ҳамда Жамиятнинг акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.10. Кузатув кенгаши мажлислари кундалик тартибда ўтказилади, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилинган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш.

Акциядорларнинг Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш чоғида мажлисда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Кузатув кенгаши мажлисида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Ҳар чоракда Ижроия органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилияди.

11.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Жамият устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;

Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

Жамият томонидан аффилланган шахслар билан битимлар тузиш.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисида иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бунда аффилланган шахс билан тузилаётган, қиймати Жамият соф активлари қийматининг 10 (ўн) ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчиликка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

11.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок эта олиши мумкин бўлмаган аъзолар учун Жамият куйидаги имконият тақдим этади ва шароит яратиб беради:

Кузатув кенгаши мажлисида рўйхатдан ўтиш, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон овоз бериш орқали қарорлар қабул қилиш имконият берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалан ҳолда Кузатув кенгаши мажлисида масофадан иштирок этиш учун;

шунингдек Кузатув кенгаши мажлисни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш йўли билан.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

масофадан туриб иштирок этиш имконияти;

иштирок этиш ва овоз бериш тартиби;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар, шу жумладан масофадан иштирок этганлар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.14. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси

ўтказиладиган куни топширилади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятининг энг мухим масалалар бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлар)ни тузиш;

ХII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамият яккабошчилик Ижроия органи - Бош директори томонидан амалга оширилади.

Жамият Бош директори қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Жамиятнинг ижроия органи - Бош директор тўғрисида»ги Низом асосида иш юритади.

12.2. Жамият Бош директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамият Бош директори Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Жамиятнинг Бош директори акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи бўлган тақдирда Жамиятнинг Бош директорини сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эмас.

Жамият Бош директори ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, кадрлар, лойиҳалар, режалаштириш ва бошқа соҳаларда малакага эга бўлиши керак.

Жамият Ижроия органи аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

12.3. Жамият Бош директори ваколатига қуйидагилар киради

Бош директор:

Устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилади;

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини ишлаб чиқишини ташкил этади;

Жамиятнинг хайрия (спонсорлик) ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатишга Жамият Кузатув кенгаши ўрнатилган тартибга мувофиқ ва доир йиллик харажатлари ўтган йил учун олинган соф фойданинг 10 фоизидан ортмаслигини ва бу ишни ўтган ҳисобот йили учун Жамиятнинг соф фойда қисми бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилган тақдирдагина амалга ошириш тартибига амал қилиниши билан хайрия ва бошқа беғараз ёрдам кўрсатишга қарор қабул қилиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборот олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлайди;

Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;

Жамият филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан бўшатади;

штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди, Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан

меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Жамиятнинг ички ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади;

Жамиятнинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

Жамиятнинг обрўси хавфини бошқаради;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлайди;

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;

қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия органи - Бош директор тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Бош директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

12.4. Жамият Бош директори қуйидагиларга ҳақли:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият фаолиятини устувор йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар киритиш;

Ҳақ олиш;

Бош директор қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.5. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

Жамият Кузатув кенгашини манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи - Бош директор тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бош директор қонунчиққамувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

12.6. Жамият Бош директори ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

Жамият Бош директори мунтазам равишда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот беради.

Жамият Бош директори Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили якунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари, Жамиятнинг йиллик бизнес-план бажарилиши ва Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот беради.

12.7. Кузатув кенгаш Жамиятнинг Бош директор лавозимига энг яхши номзодни сайлаш (тайинлаш) масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиши мумкин.

Жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш) чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга ошириши мумкин.

12.8. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонунчилик ҳужжатларида, Жамият Уставида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Ижроия органи - Бош директор тўғрисида»ги Низомда ҳамда у Жамият билан 3 (уч) йил муддатга тузадиган меҳнат шартномасида белгиланади. Меҳнат шартномаси Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг Бош директори билан тузиладиган меҳнат шартномасида унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш

бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

Ижроия органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

12.9. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

12.10. Йирик битим Жамият Акциядорларининг Умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин Жамиятнинг Ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Аффилланган шахс билан тузилаётган битим Кузатув кенгаши ёки Умумий йиғилиши ушбу битим бўйича маъқуллаш ҳақидаги қарор қабул қилганидан кейин Жамиятнинг Ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда аффилланган шахс билан тузилаётган, қиймати Жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

XIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

13.2. Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг ёки бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

13.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Бош директор жавобгар бўлмайди, Қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Кузатув кенгаши аъзоси, Бош директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

13.5. Суд Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзосини ёки Бош директорини Жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси ёки Бош директор куйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

ушбу Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни тақлиф этганлик, шу

жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Ички аудит хизмати

14.6. Жамият активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 000 (юз минг) баробаридан кўп бўлган тақдирда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади.

Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

14.7. Жамиятнинг ички аудит хизмати қуйидагиларни текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамият ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди:

Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини;

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини;

Жамиятнинг хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини;

Жамият активларнинг сақланишини, устав капиталдаги 50 фоиз улуш Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операцияларни, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини.

14.8. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Жамият ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

б) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

14.9. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

14.10. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

14.11. Жамият акцияларининг камида 10 фоизига эга бўлган акциядорлар Жамият фаолиятини текшириш учун ташқи аудитни бошлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор аффилиланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, жамият суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

г) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси

14.12. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Жамият Корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

14.13. Жамият Корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бош директорининг зиммасида бўлади.

15.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

15.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 10 (ўн) кундан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

15.4. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

15.5. Қонунда назарда тутилган Жамият ҳужжатлари қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган муддатларда сақланади.

XVI. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Ушбу Уставнинг ҳолатлари бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

17.2. Ушбу Устава акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

17.3. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчиликка Ушбу Уставнинг ҳолатларига зид келувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

17.4. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Таништирилди:
Бош директор



М.Ф. Наджимов